

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРМАТОВ ЗИЯДУЛЛА ДОСМАТОВИЧ

**ПАЙВАНД ЧОКЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИНИ ОШИРИШ
МАҚСАДИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ
ЭЛЕКТРОД ҚОПЛАМАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(Қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши бўйича)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефераата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Эрматов Зиядулла Досматович

Пайванд чокларни характеристикаларини яхшилаш мақсадида
маҳалий хомашёлардан фойдаланиб электрод қопламаларини
тайёрлаш технологияси..... 3

Эрматов Зиядулла Досматович

Технология приготовления покрытий электродов из местного сырья
с целью улучшения характеристик сварных швов..... 21

Ermatov Ziyadulla Dosmatovich

Technology of coating welding electrodes from local materials with the
aim of improving the quality of the characteristics of welds..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЭРМАТОВ ЗИЯДУЛЛА ДОСМАТОВИЧ

**ПАЙВАНД ЧОКЛАРНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИНИ ОШИРИШ
МАҚСАДИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ
ЭЛЕКТРОД ҚОПЛАМАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(Қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши бўйича)**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/T619 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати иккита тилда (ўзбек, рус тили ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дуняшин Николай Сергеевич
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Михридинов Рисқидин Михридинович
техника фанлари доктори, профессор

Худояров Сулейман Рашидович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон машинасозлик институти

Диссертация химояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.28.02.2018.T.03.04. рақами Илмий кенгашнинг 2019 йил «21» май соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-йи. Тел./ факс:(99871)227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (80-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-йи. Тел.: (99871)227-10-32.)

Диссертация автореферати 2019 йил «08» май куни тарқатилди.

(2019 йил «8» майдаги 91-рақамли реестр баённомаси).

К.А.Каримов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д.Тураходжаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Р.М.Михридинов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг зарурати ва долзарблиги. Жаҳонда етакчи давлатларнинг саноати ривожланиши даражасининг замонавий босқичларида ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот ассортименти ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилиги алоҳида қасб этмоқда. Шу билан бирга буюм мустаҳкамлигини ошириш, конструкциянинг узоқ муддат ишлаши, машина механизмлари ва жиҳозлари хавфсизлиги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Германия, Италия, Хитой ва Россияда муҳим роль эгаллаган пайвандлаб ишлаб чиқариш технологияси ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда маҳсулот таннархини пасайтириш мақсадида электрод ишлаб чиқарувчи корхоналар қоплама шихтаси таркибини модернизациялаш асосида электроднинг сифат кўрсаткичларини ошириш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йуналишда, жумладан пайвандлаш электродларининг қоплама шихтасининг таркиби ферроқотишмалар ва бошқа компонентларнинг миқдори ва сифатининг оптимал даражага эришиши муҳим аҳамият қасб этмоқда. Шу билан бирга, айнан шихта таркиби эритиб қопланган металлнинг кимёвий таркибини аниқлаб беради, ваҳоланки пайванд бирикманинг сифат характеристикаларини такомиллаштириш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамида қопламали электродларнинг тўлиқ материал баланси асосида ёйли дастакли пайвандлашда содир бўлаётган физик-кимёвий жараёнларни башоратлаш усулларини ишлаб чиқиши ҳисобига пайвандлаш электродларининг қоплама таркибини оптималлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан "...энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш"¹ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан пайванд чокнинг кимёвий таркибини башоратлаш эвазига пайванд бирикманинг эксплуатацион характеристикаларини таъминлайдиган пайвандлаш материалларини лойиҳалаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралидаги ПФ – 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2015 йил 4 мартағи ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонлари, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида қопламали электродлар билан ёйли дастакли пайвандлашда металл ва шлак томчилари шаклланади ҳамда улар пайванд чокнинг қўйма метали таркибини ва материалларнинг пайвандлаш-технологик хусусиятларини; чок юзасининг шаклланиши, шлак қопламасининг яхши ажраши, пайвандлаш жараёнини исталган фазовий ҳолатда амалга ошириш мумкинлиги ва бошқаларни аниқлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан италиялик олимлари Ramini De Rissone, G. Glaussen металл томчиси электрод ўзаги ва қопламасининг эриши ҳисобига ва газлар ҳамда ҳосил бўлган фазаларнинг ўзаро таъсиrlаниши ҳисобига шаклланиши устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Индия олимлари P. Kanjilal, S. Majumdar илмий тадқиқотларида электроднинг эриши ва турли босқичларда қизиши жараённида ҳосил бўладиган фазаларнинг ўзаро таъсиrlашуви жараёнлари эритиб қопланган металл сўнгги таркибининг боғлиқлик графигини ишлаб чиқишган.

МДҲ давлатлари олимларидан И.К. Походня, В.В. Подгаецкий, А.А. Ерохина, Г.Л. Петров, А.А. Бук, Н.Н.Потапова, В.Н. Бороненкова, Е. Вотинова ишларида чок метали таркибини ва дастлабки таркибни таққослаш асосида алоҳида элементларнинг ўтиш жараёнлари ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда М.А. Аbralов, Р.У. Абдурахманов, Р.М. Сайдовлар томонидан маҳалий хомашёлар асосида пайвандлаш материаллари ишлаб чиқилган.

Пайвандлаш электродларининг қопламалари таркибини ишлаб чиқиш соҳасида кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп. Жумладан, адабиётларда мавжуд бўлган ёйли дастакли пайвандлаш усули билан ҳосил бўлган пайванд чокнинг қўйма металлининг таркибини башоратлаш усули ва модели ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун пайвандлаш жараёнларида кечадиган металл томчисида, металл ваннасида ва қаттиқ фазада содир бўладиган пайвандлаш жараёнларининг натижаларини баҳолаш учун элементларнинг ўртача ва парциал ўтиш коэффициентларини ва уларнинг пайвандлаш электродлари характеристикалари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим мусассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон фанлар академияси С.А. Азимов номидаги «Физика-Қуёш» Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институти №ФА-Атех-2018-32 «Конструкцион пўлатларни пайвандлаш учун импорт ўрнини босувчи пайвандлаш электродларини маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқиши» (2018 й.) мавзуидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади пайванд чокнинг характеристикасини ва қуйма структурасининг сифатини ошириш учун пайвандлаш электродларининг қопламаларини маҳаллий хомашёлар асосида тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

импорт ўрнини босувчи замонавий пайвандлаш электродларининг шлак асосини ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон Республикасида мавжуд маҳаллий хомашёларнинг мослиги ва қўлланиш имкони мавжудлигини асослаш;

қопламали электродларни ишлаб чиқиш учун хомашё базасини инобатга олган электрод қопламаларининг класификацион схемасининг ишлаб чиқиши;

кам углеродли кам легирланган пўлатларни ёйли пайвандлаш учун пайвандлаш электродларининг қопламаларини ишлаб чиқиши;

ёйли дастакли пайвандлашда фазалар таркибини башоратлаш усули бўйича қопламали электродларнинг ўзаро таъсирилашув жараёнларининг физик моделларини ишлаб чиқиши;

ёйли дастакли пайвандлашда фазалар таркибини прогнозлаш усули бўйича қопламали электродларнинг ўзаро таъсирилашув жараёнларини математик моделларини ишлаб чиқиши.

ёйли дастакли пайвандлашда ишқорли ва ишқор-тупроқли оксид кўшимчаларини шлакнинг зичлигига, қовушқоқлигига, пайвандлаш ваннасини ва чокнинг шлак қопламаси билан қопланиши хусусиятларига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида қопламали электродларни ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси хомашёсининг шлак ҳосил қилувчи компонентлар композицияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети қопламали электродлар билан ёйли дастакли пайвандлаш натижасида олинган пайванд чок ва пайванд бирикманинг қуйма структураси, пайванд чок характеристикасини ва унинг қуйма структурасини яхшилашини таъминлайдиган маҳалий хомашёдан тайёрланган қопламани тайёрлаш технологияси ва импорт ўрнини босувчи пайвандлаш электродларининг шлак асосини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида шлакнинг технологик ва физик-кимёвий хусусиятларини, пайванд бирикманинг қуйма структурасининг физик-механик хусусиятларини аниқлаш ва моделлаштиришнинг экспериментал ва таҳлилий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

қопламали электродларни ишлаб чиқиш учун хомашё базасини инобатга олган ҳолда электрод қопламаларининг классификацион схемаси ишлаб чиқилган;

қопламали электродлар компонентларининг классификацион схемаси асосида ёйли дастакли пайвандлашда чок металининг қўйма структураси шакланиши жараёнининг физик ва математик модели ишлаб чиқилган;

$\text{SiO}_2\text{-CaO-CaF}_2$ тизимига K_2O , Na_2O , MgO , Al_2O_3 оксид қўшимчаларининг қўшилиши натижасида шлакнинг зичлигига, қовушқоқлигига ва пайвандлаш ваннасининг ҳамда чокнинг шлак қопламаси билан қопланиши хусусиятларига таъсири аниқланган;

пайванд чокнинг қўйма металидаги газларнинг миқдорини 8-10% га камайтирадиган ҳамда металл томчиси ва суюқ ваннани ишончли ҳимоялайдиган электрод қопламасининг газ ҳосил қилувчилар таркиби ишлаб чиқилган;

пайванд чокнинг қўйма структурасининг мустаҳкамлик характеристикасини 10-12% га оширадиган электрод қопламасининг шлак ҳосил қилувчилар таркиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

импорт ўрнини босувчи замонавий пайвандлаш электродларининг шлак асоси таркиби ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашёдан тайёрланган асосий турдаги қопламаларни тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилган;

пайванд чок қўйма структурасининг мустаҳкамлик характеристикаси 10-12% га ошишини таъминлайдиган электрод қопламасининг шлак ҳосил қилувчилар таркиби ишлаб чиқилган;

пайванд чокнинг қўйма металидаги газларнинг миқдорини 8-10% га камайтирадиган электрод қопламасининг газ ҳосил қилувчилар таркиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги ва экспериментал материалларнинг катта ҳажмда олинганлиги, математик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланиб аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қопламали электродлар билан ёйли дастакли пайвандлашда қоплама компонентларини ишлаб чиқилган классификацион схема асосида металл электродларнинг қопламаларини ёйли дастакли пайвандлашда пайванд чок металининг қўйма структураси шакланишининг физик ва математик моделини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пайванд чоқнинг характеристикасини ва қўйма структурасини яхшилашни таъминлайдиган маҳаллий хомашёлардан тайёрланадиган электрод қопламасининг шлак асосини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пайванд чоклар характеристикасини ошириш мақсадида маҳаллий хомашёларидан фойдаланиб электрод қопламаларини тайёрлаш бўйича олинган натижалар асосида:

пайвандлаш электродларининг қоплама таркибида оксидсизлантирувчи компонентларини оптималлаштириш учун ёйли дастакли пайвандлашда чок металининг қўйма структураси шаклланиши жараёнига ишлаб чиқилган математик модели МЧЖ ҚҚ “В.Л. Гальперин номидаги Тошкент труба заводи” корхонасида жорий этилган («Узмонтажмаксус қўрилиш» АЖнинг 2019 йил 4 мартдаги 01/86-01-01А-сон маълумотномаси). Натижада пайвандчокнинг қўйма металида кислород миқдорини 6-8%га камайтиришга эришилган;

пайвандлаш ваннаси ва металл томчисини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш учун турли хил ҳарорат интервалларида парчалана оладиган ишқорли ва ишқор-тупроқли металларнинг карбонатлар композициясидан фойдаланиш ҳисобига электрод қопламасининг газ ҳосил қилувчи қисми МЧЖ ҚҚ “В.Л. Гальперин номидаги Тошкент труба заводи” корхонасида жорий этилган («Ўзмонтажмаксус қурилиш» АЖнинг 2019 йил 4 мартдаги 01/86-01-01А-сон маълумотномаси). Натижада пайванд чокнинг қўйма металидаги газларнинг миқдорини 8-10% га камайтиришга эришилган;

маҳалий рудали-минерал хомашёлардан фойдаланиб электрод қопламаларининг шлак асоси таркибини тузиш ва уни тайёрлаш технологияси МЧЖ ҚҚ “В.Л. Гальперин номидаги Тошкент труба заводи” корхонасида жорий этилган («Узмонтажмаксус қўрилиш» АЖнинг 2019 йил 4 мартдаги 01/86-01-01А-сон маълумотномаси). Натижада пайванд чокнинг қўйма структурасининг мустаҳкамлик характеристикиси 10-12% га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-анжумаларда, жумладан, 3та халқаро илмий-амалий анжуманларда ва 3та республика илмий-амалий анжуманларида апробация ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17та илмий ишлар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, обьекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган

натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Маҳаллий хомашёлар базасига асосланган электрод қопламаларини ишлаб чиқишнинг замонавий муаммолари**” деб номланган биринчи бобида, Ўзбекистон Республикасида пайвандлаш материалларига бўлган бозор талабини таҳлил қилишга, электрод қопламаларининг шлак асоси ва пайванд чокнинг қўйма структураси шаклланишида кечадиган металлургик жараёнларнинг таҳлилига, ҳамда электродлар учун қопламаларни саноат даражасида ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд минерал хомашёлар базасининг таҳлилига қаратилган.

Илмий техник ва патент адабиётларини ўрганиш асосида қуидаги қарорга келинди; пайванд чокнинг қўйма структурасини яхшилаш мақсадида шлак асосида плавик шпати ва кальций карбонати ташкил этувчи асосий қопламали электродларни қўллаш энг актуал ва перспектив қарорлардан бири ҳисобланади. Қоплама таркибига улардан ташқари минерал силикатлар (кварц қуми, гранит ва бошқалар) ва бараварига бир неча оксидсизлантирувчилар (ферромарганец, ферросилиций, ферротитан ва бошқалар) ҳам қўшилади. Ўзбекистон Республикаси худудларида мавжуд минерал ресурслар захираси бўлган пўлат пайвандлаш материалларининг қопламалари учун хизмат қиласиган бир компонентлар кўринишида бўлган (мармар, кварц қуми) етарли даражада захирага эга эканлиги ҳақида маълумотлари келтирилган. Адабиётлар манбаи таҳлилига таянган ҳолда диссертант томонидан тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.


Диссертациянинг “**Қопламали электродларнинг пайвандлаш технологик хусусиятларини ва пайванд чок металининг қўйма структурасини тадқиқот қилиш методикаси ва обьекти**” деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот учун танлаб олинган обьектлар ва уларнинг характеристикалари, тадқиқотлар ўтказиш учун воситалар ва усуллар асослаб келтирилган.

Тадқиқот обьекти сифатида Ўзбекистон Республикасидаги минерал хомашёлар (мармар, кварц қуми) танлаб олинган, булар ўз навбатида майдаланади ва прокалкаланади. Тадқиқотнинг кейинги обьекти сифатида компонет қўшимчаларидан иборат бўлган ва Ўзбекистон Республикасидаги минерал хомашёлар асосида ишлаб чиқилган қопламали электродлар ёрдамида ёйли дастакли пайвандлаш натижасида олинган пайванд чок ва пайванд бирикманинг қўйма метали ҳисобланади.

Диссертация ишида шлакнинг технологик ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашнинг замонавий экспериментал ва таҳлилий усуллари қўлланилган. Юқори аниқликда таҳлил ўтказишни таъминлайдиган пайванд бирикма қўйма структурасининг физик-механик хусусиятларини аниқлаш учун пайвандлаш материалларининг пайвандлаш-технологик

хусусиятларини тадқиқот қилиш усуллари ва комплекс жиҳозлари келтирилган.

Диссертациянинг “Ёйли дастакли пайвандлашда чокнинг қўйма металлини шаклланишини тадқиқот қилиш” деб номланган учинчи бобида электрод қопламаларининг шихта компонентлари классификацион схемасини ишлаб чиқиши бўйича натижалари келтирилган; тўлиқ материал баланс усулини қўллаб ва электрод қоплама компонентларининг классификацион схемаси асосида ёйли дастакли пайвандлаб чок металининг қўйма структураси шаклланиш жараёнининг физик ва математик моделини ишлаб чиқишига қаратилган.



1 - расм. Электрод қопламаларининг шихта компонентлари классификацияси.


Қопламали электродлар билан пайвандлаш жараёнининг физик модели пайвандлаш жараёнида кечётган бутун жараёнларни ёй ёнишидан тортиб пайвандлаш якунига қадар (ёки квазистационар ҳолатга эришгунча) ёритиш учун муҳим касб эгаллайди. Пайвандлаш ҳудудида математик модельни ишлаб чиқиши учун қуйида келтирилган физик-кимёвий жараёнлар инобатга олиниши зарур:

- электр ёй иссиғи билан пайванд чокнинг асосий металини қиздириш

ва эритиши;

- электрод ўзагининг қизиши ва эриши ва металл томчининг ҳосил бўлиши электр ёй иссиқлиги билан ва электрод ўзагидан оқиб ўтаётган ток хисобига содир бўлади;
- электрод металининг пайвандлаш ваннасига ўтиши;
- асосий ва электрод металининг пайвандлаш ваннасида аралashiши;
- шлак ваннасида қоплама компонентларининг ўзаро таъсирилашуви натижасида кимёвий реакциялар кечиши;
- пайванд чок металидан иссиқликнинг узоқлашгани сари кристаллизацияланиши.

Юқорида келтирилган барча физик-кимёвий жараёнларни схема кўринишида 2-расмда тавсирилаш мумкин: электрод металл томчиларини етказиб берувчи ҳисобланади, томчи эритиб қопланаётган металлни шакллантиради. Электрод ўзаги, қопламанинг металл қисми ва шлақдан тикланган металлнинг эриши ҳисобига томчи пайдо бўлади. Ушбу металлнинг ҳаммаси пайвандлаш ваннасига ўтади, асосий металл билан аралашиб кристаллизациялангандан сўнг пайванд чокни ҳосил қиласди.



2-расм. Ёйли дастакли пайвандлашда чок метали қўйма структурасинингшаклланиш жараёнининг физик модели:

1 - электрод ўзагининг эриши ва металл томчининг шаклланиши; 2 - электрод қопламасининг металл қисми эриши ва металл томчининг шаклланиши; 3 - электрод қопламасининг нометалл қисмининг эриши ва шлак пардасининг шаклланиши; 4 - элементларни шлак пардасидан металл томчисига ва металл томчисидан шлак пардасига (оксидлар кўринишида) ўтиши; 5 - металл томчиларининг металли аралашмага ўтиши; 6 - шлак пардасининг шлакли аралашмага ўтиши; 7 - асосий металлнинг эриши ва пайвандлаш ваннасининг шаклланиши; 8 - шлак аралашмасининг қотиши; 9 - металл аралашмасининг кристаллизацияланиши.

Қопламали электрод билан ёйли дастакли пайвандлашда чок метали ва эритиб қопланган металлнинг таркиби шаклланишининг физик модели математик моделни ишлаб чиқишнинг асоси сифатида қабул қилинган:

1. Ўтишнинг ўртача коэффициенти (қабул қилиши) $\bar{\eta}_{E_z}$, эритиб қопланган металлда (чок металлида) қолувчи элементнинг масса бўлаги дейилади E_z :

$$\bar{\eta}_{E_z} = \frac{m_{E_z}^{\text{эр.копл}}}{m_{E_z}^{\text{апалаш}}}, \quad (1)$$

бу ерда $m_{E_z}^{\text{эр.копл}}$ - элемент массаси E_z ўзаро таъсирлашувидан сўнг маълум металлнинг ҳажмида, кг;

$m_{E_z}^{\text{апалаш}}$ - элемент массаси E_z металлда кимёвий реакцияларни ҳисобга олмаган ҳолда, кг.

2. Элементнинг умумий ўтиш коэффициенти (ўртача) E_z :

$$\bar{\eta}_{E_z} = a\eta_{E_z}^{\text{ўзак}} + b\eta_{E_z}^{\text{м.м.}} + c\eta_{E_z}^{\text{фер}} + d\eta_{E_z}^{\text{шл.мин.}} + e\eta_{E_z}^{\text{шл.сун.мод.}} \quad (2)$$

$$a + b + c + d + e = 1 \quad (3)$$

бу ерда a, b, c, d ва e – электрод ўзагининг бир бўлаги иштироки, тоза металлар, ферроқотишималар, шлакдан тикланган металл, минерал хомашёлар ва сунъий олинадиган кимёвий моддалар эритиб қопланган металлнинг шаклланиши;

$$\eta_{E_z}^{\text{ўзак}} = 1 - k_1^{E_z}, \quad (4)$$

$$\eta_{E_z}^{\text{м.м.}} = 1 - k_2^{E_z}, \quad (5)$$

$$\eta_{E_z}^{\text{фер}} = 1 - k_3^{E_z}, \quad (6)$$

$$\eta_{E_z}^{\text{шл.мин.}} = k_4^{E_z}, \quad (7)$$

$$\eta_{E_z}^{\text{шл.сун.мод.}} = k_5^{E_z}, \quad (8)$$

бу ерда $\eta_{E_z}^{\text{ўзак}}, \eta_{E_z}^{\text{м.м.}}, \eta_{E_z}^{\text{фер}}, \eta_{E_z}^{\text{шл.мин.}}$ ва $\eta_{E_z}^{\text{шл.сун.мод.}}$ – элемент ўтишининг парциал коэффициенти E_z эритиб қопланган металл ўзагида, тоза металлар, ферроқотишималар, минерал хомашёлардан ҳосил бўладиган шлак ва сунъий олинадиган кимёвий моддалар.

$k_1^{E_z}$ - шлак ва оксидланган газ билан ўзак металининг компонент масса улуши E_z ;

$k_2^{E_z}$ - шлак ва оксидланган газ билан (1 - гуруҳдаги тоза металлар) электрод қопламасининг металл қисмининг компонент масса улуши E_z ;

$k_3^{E_z}$ - шлак ва оксидланган газ билан (2 - гуруҳдаги ферроқотишималар) электрод қопламасининг металл қисмининг компонент масса улуши E_z ;

$k_4^{E_z}$ - томчига ўтиш босқичида металлга тикланиш реакцияси жараёнида қопламанинг нометалл қисмининг (3 - гуруҳдаги минерал хомашёлар) компонент оксиди масса улуши;

$k_5^{E_z}$ - томчига ўтиш босқичида металлга тикланиш реакцияси жараёнида қопламанинг нометалл қисмининг (4 - гуруҳдаги сунъий олинадиган кимёвий моддалар) компонентнинг оксиди масса улуши.

3. Эритиб қопланган металлнинг элемент массаси

$$m_{E_z}^{3p,кон} = m_{E_z}^{\text{ж}} \cdot \frac{E_z^{\text{ж}}}{100} + \sum_{k=1}^n m_k^{m.m.} \cdot \frac{E_z^{m.m.}}{100} + \sum_{k=1}^l m_k^{\text{фер}} \cdot \frac{E_z^{\text{фер}}}{100} + \sum_{k=1}^p m_k^{\text{ил.мин.}} \cdot \frac{E_z^{\text{ил.мин.}}}{100} + \sum_{k=1}^s m_k^{\text{ил.сун.мод.}} \cdot \frac{E_z^{\text{ил.сун.мод.}}}{100} = m_{E_z}^{\text{ж}} + m_{E_z}^{m.m.} + m_{E_z}^{\text{фер}} + m_{E_z}^{\text{ил.мин.}} + m_{E_z}^{\text{ил.сун.мод.}}, \quad (9)$$

бу ерда $m_{E_z}^{\text{ж}}$, $m_{E_z}^{\text{фер}}$, $m_{E_z}^{\text{ил.}}$ электрод ўзагидаги элемент массаси E_z , ферроқотишмаларда ва электрод қопламасининг нометалл компонентлари билан бирга.

4. Ўзакдан қотишмага тушаётган ҳар бир элементнинг массаси:

$$m_{E_z}^{\text{ж}} = \frac{m_{\text{ж}}}{1 + k_{\text{ж}} \cdot \frac{E_z^{\text{ж}}}{100}} \quad (10)$$

Қопламадаги мавжуд ҳар бир ферроқотишманинг массаси:

$$m_{E_z}^{\text{фер}_k} = m_{\text{ж}} \cdot \frac{\%_{\text{фер}_k}}{100} \quad (11)$$

$$m_{\text{ж}} = \frac{k_{\text{ж}}}{(1 + k_{\text{ж}}) \cdot (1 + 0,01\alpha \cdot \beta)} m_{\text{ж}}, \quad (12)$$

бу ерда α – электрод қопламасидаги елимловчи (суюқ шиша) компонентларнинг микдори, мас.%;

β – елимловчи қолдиқнинг масса улуши қуйидаги формула бўйича хисобланган:

$$\beta = 0,59\gamma_{\text{нау}} + 0,028m - 0,535, \quad (13)$$

бу ерда $\gamma_{\text{нау}}$ – елимловчининг зичлиги, г/см³;

m – елимловчининг модули.

7. Электрод қопламасидаги ферроқотишмаларнинг эришида ҳосил бўлган элемент массаси E_z :

$$m_{E_z}^{\text{фер}} = \frac{k_{\text{ж}}}{(1 + k_{\text{ж}}) \cdot (1 + 0,01\alpha \cdot \beta)} m_{\text{ж}} \sum_{k=1}^l \frac{\%_{\text{фер}_k}}{100} \cdot \frac{[E_z]_k}{100} \quad (14)$$

7. Шлақдан қайта тикланган элемент E_z массаси, қуйидаги тенглама бўйича аниқланиши мумкин:

$$m_{E_z}^{\text{ил.}} = m_{E_z}^{\text{ил.мин}_j} + m_{E_z}^{\text{жcc}} \quad (15)$$

Қопламанинг нометалл компонентларидан қайта тикланган элемент E_z .

$$m_{E_z}^{\text{ил.мин}_j} = \frac{m_{\text{ж}} \cdot k_{\text{МП}}}{(1 + k_{\text{МП}}) \cdot (1 + 0,01\alpha \cdot \beta)} \cdot \sum_{k=1}^p \frac{\%_{\text{ил.мин}_j}}{100} \cdot \frac{(E_{z_n} O_m)_j}{100} \cdot \frac{M_{E_z}}{M_{E_{z_n} O_m}} \quad (16)$$

Қопламадаги суюқ шишанинг қолдиғидан қайта тикланган элементнинг E_z массаси:

$$m_{E_z}^{\text{жcc}} = \frac{m_{\text{ж}} \cdot k_{\text{МП}}}{(1 + k_{\text{МП}}) \cdot (1 + 0,01\alpha \cdot \beta)} \cdot \frac{\alpha \cdot \beta}{100} \cdot \frac{(E_{z_n} O_m)_j}{100} \cdot \frac{M_{E_z}}{M_{E_{z_n} O_m}} \quad (17)$$

$$m_{E_z}^{\text{ил.}} = \frac{m_{\text{ж}} \cdot k_{\text{МП}}}{(1 + k_{\text{МП}}) \cdot (1 + 0,01\alpha \cdot \beta)} \cdot \frac{M_{E_z}}{M_{E_{z_n} O_m}} \left(\sum_{k=1}^p \frac{\%_{\text{ил.мин}_j}}{100} \cdot \frac{(E_{z_n} O_m)_j}{100} + \frac{\alpha \cdot \beta}{100} \cdot \frac{(E_{z_n} O_m)_j}{100} \right) \quad (18)$$

8. Металл ваннанинг таркибидағи компонентнинг E_z массаси:

$$m_{E_z}^{cm} = \frac{m_{\text{зл}}}{1+k_{\text{мн}}} \cdot \left(\begin{array}{l} \left(m_{\text{зл}} \sum_{k=1}^l \frac{\%_{\phi ep_k}}{100} \cdot \frac{[E_z]_k}{100} \left(1 - k_3^{E_z} \right) + \right. \\ \left. \frac{E_z^{cm}}{100} \left(1 - k_1^{E_z} \right) + \frac{k_{\text{мн}}}{(1+0,01\alpha \cdot \beta)} \left(+ \frac{M_{E_{\text{зл}}} \cdot (k_4^{E_z} + k_5^{E_z})}{M_{E_{z_n} O_m}} \left(\sum_{k=1}^p \frac{\%_{\text{шл.мин}_j}}{100} \cdot \frac{(E_{z_n} O_m)_j}{100} + \right. \right. \right. \\ \left. \left. \left. \alpha \cdot \beta \cdot \frac{(E_{z_n} O_m)_j}{100} \right) \right) \right) \end{array} \right) \quad (19)$$

9. Элемент ўтишининг ўртача коэффициенти E_z ,

$$\bar{\eta}_{E_z} = \frac{[E_z]}{a[E_z]_{\text{узак}} + b[E_z]_{\text{м.м.}} + c[E_z]_{\phi ep.} + d[E_z]_{\text{шл.мин.}} + e[E_z]_{\text{сун.мод.}}} \quad (20)$$

бу ерда $[E_z]_{\text{м.м.}}$ - эритиб қопланган металлнинг кимёвий таҳлил натижаларига кўра элементнинг концентрацияси E_z , мас.%;

$[E_z]_{\text{узак}}$ - электрод ўзагидаги бирламчи элемент концентрацияси E_z , мас.%;

$[E_z]_{\text{м.м.}}$ - электрод қопламасига киритилаётган тоза металларнинг бирламчи элемент концентрацияси E_z , мас.%;

$[E_z]_{\phi ep}$ - электрод қопламасидаги ферроқотишмаларнинг бирламчи элемент концентрацияси E_z , мас.%;

$[E_z]_{\text{шл.мин.}}$ - шлакнинг минерал моддаларидан элемент оксидларининг $E_{\text{Zn}}O_m$ тўлиқ тикланишида элемент концентрацияси E_z , мас.%;

$[E_z]_{\text{сун.мод.}}$ - электрод қопламасининг кимёвий тоза моддаларининг бирламчи элемент концентрацияси E_z , мас.%;

$$a = \frac{m_{\text{зл.}} \cdot (1 - k_{\text{ном}}^{\text{ме}})}{m_{\text{пайсан}} \cdot (1 + k_{\text{МП}})} \quad (21)$$

$$b = \frac{m_{\text{зл.}} \cdot (1 - k_{\text{ном}}^{\text{ме}}) \cdot k_{\text{МП}} \cdot \sum_{k=1}^n \frac{\%_{\text{ч.м.}}}{100}}{m_{\text{пайсан.}} \cdot (1 + k_{\text{МП}}) \cdot \left(1 + \frac{\alpha \beta}{100} \right)} \quad (22)$$

$$c = \frac{m_{\text{зл.}} \cdot (1 - k_{\text{ном}}^{\text{ме}}) \cdot k_{\text{МП}} \cdot \sum_{k=1}^l \frac{\%_{\phi ep_k}}{100}}{m_{\text{пайсан.}} \cdot (1 + k_{\text{МП}}) \cdot \left(1 + \frac{\alpha \beta}{100} \right)} \quad (23)$$

$$e = \frac{m_{\text{зл.}} \cdot (1 - k_{\text{ном}}^{\text{ме}}) \cdot k_{\text{МП}} \cdot \sum_{k=1}^s \frac{\%_{\text{сун.мод}_k}}{100}}{m_{\text{пайсан.}} \cdot (1 + k_{\text{МП}}) \cdot \left(1 + \frac{\alpha \beta}{100} \right)} \quad (24)$$

$$d = 1 - a - b - c - e$$

10. Пайвандлаш (металл) ваннасидаги компонентнинг массасини куйидагича аниқлаймиз.

$$m_{E_z} = \frac{m_{\text{пайсан}} \cdot [E_z]_{\text{эрриган}}}{100} \quad (25)$$

бу ерда $m_{\text{пайсан}}$ – пайвандлаш (металл) ваннанинг массаси , кг;

$[E_z]_{\text{эрриган}}$ – Пайвандлаш ваннасидаги компонент концентрацияси E_z ,

мас.%.


11. Қопламали электродлар билан пайвандлашда (эритиб қоплашда) металлнинг йўқотилиш коэффициенти:

$$k_{\text{уик}}^{\text{Me}} = \frac{m_{\text{узак}} + m_{\text{м.м.}} + m_{\text{феп}} + m_{\text{ме}}^{\text{шл.мин}} + m_{\text{ме}}^{\text{шл.сун.мод}} - m_{\text{зр.копл.ме}}}{m_{\text{узак}} + m_{\text{м.м.}} + m_{\text{феп}} + m_{\text{ме}}^{\text{шл.мин}} + m_{\text{ме}}^{\text{шл.сун.мод}}} \quad (26)$$

бу ерда $m_{\text{ме}}^{\text{шл.мин}}$ - шлакдан тикланган ва пайвандлаш ваннасига ўтган металл массаси, кг.

Математик моделни ҳисоблаш йўли билан олинган маълумотлари экспериментал равишда олинган маълумотлар билан тахминан 5%га фарқ қилиши аниқланган.

Диссертациянинг “Электродлар қопламаларини тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиши” деб номланган тўртинчи бобида пайванд чок қўйма структурасининг сифатли шаклланиши учун электрод қопламасининг шлак ҳосил қилувчи асосини ишлаб чиқиши бўйича қилинган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.



3-расм. Уч томонли тизим ҳолат диаграммаси:

- а) SiO₂-CaO-MnO, б) SiO₂-CaO-Al₂O₃,
- в) SiO₂-CaO-MgO д) SiO₂-CaO-CaF₂.

Келтирилган ҳолат диаграммаларидан кўриниб туриптики, ушбу уч томонли тизимда шлакнинг эриш ҳарорати 1300°C ни ташкил этмоқда, яъни бундай ҳарорат пўлатларни пайвандлашда пайвандлаш шлакларига қўйилган талабларига жавоб беради.


$\text{SiO}_2\text{-CaO-MnO}$ тизимда бундай худуд $\sim 40\% \text{ SiO}_2$, $\sim 40\% \text{ MnO}$ ва $\sim 20\% \text{ CaO}$ соҳаларда ётади. MnO нинг бундай катта ҳажмларда бўлиши кремний билан оксидсизлантиришда марганецни қайта тиклаш жараёнига олиб келиши мумкин, бундан ташқари пайвандлаш даврида заарли токсик чангларни чиқариш билан ёмон таъсир этиши мумкин.

$\text{SiO}_2\text{-CaO-Al}_2\text{O}_3$ тизимда 1300°C ҳарорат $\sim 50\% \text{ SiO}_2$, $\sim 30\% \text{ CaO}$ ва $\sim 20\% \text{ Al}_2\text{O}_3$, таркибларда бўлганда кузатилади, $\text{SiO}_2\text{-CaO-MgO}$ тизимларда эса 1300°C ҳарорат $\sim 50\% \text{ SiO}_2$, $30\% \text{ CaO}$ ва $20\% \text{ MgO}$ таркибларда бўлганда кузатилади ва бу жуда ҳам чекланган худудларда намоён бўлади.


$\text{SiO}_2\text{-CaO-CaF}_2$ тизимда 1300°C ҳарорати кенг соҳа худудларида намоён бўлади ва шлаклар таркиби $\sim 50\text{-}60\% \text{ CaO}$, $15\text{-}25\% \text{ CaF}_2$ ва $5\text{-}15\% \text{ SiO}_2$ таркибларда бўлиши кузатилган.

$\text{SiO}_2\text{-CaO-CaF}_2$ тизимдаги шлаклар ҳозирги кунга келиб анча ўрганилган. Плавик шпати CaF_2 ёй таъсир худудида диссоциацияланиб учувчи фторидларни ҳосил қиласди, натижада пайванд чок металлида водород ва олтингугуртни миқдори пасаяди. CaF_2 , шлак оқувчанлигини ошириб, пайванд чок металлининг рафинирланишини таъминлайди, CaO чок металлининг физик ҳимоясини яхшилайди.

MgO , Na_2O , K_2O ва Al_2O_3 оксидаларнинг миқдорига нисбатан шлакнинг металлдан ажралиш хусусияти 3-расмда кўрсатилган. Магнийнинг оксидлари шлакнинг ёмон ажрашига сабаб бўлади. Оксид тури ва миқдорига нисбатан шлакнинг металлга қопланиш хусусияти 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Шлакнинг таркибида оксидларнинг миқдорига нисбатан шлак қопламасининг кўчиш хусусиятига боғлиқлиги.



5-расм. Оксиднинг тури ва миқдорига нисбатан шлакнинг қопланиш хусусияти боғлиқлиги.

Na_2O ва K_2O миқдорининг ошириш билан шлакнинг қопланиш хусусияти ошиб боради, MgO оксида миқдорини ошириш билан аксинча камаяди. Al_2O_3 оксидини шлакка киритиш билан шлакнинг қопланиш хусусиятига амалий жиҳатдан таъсир этмайди деса ҳам бўлади. Оксидларнинг тури ва миқдорининг бундай таъсирлари уларнинг қовушқоқлигига ва сирт таранглигига таъсири билан тавсифланади.

Электрод қопламасининг шлак асосини ишлаб чиқиш учун

қопламанинг газ-шлак ташкил этувчиларининг таркибини муккамаллаштириб олиш зарурлиги аниқланган. Асосий турдаги электродларнинг эриган металлини ва пайвандлашнинг реакцион зонасини ишқорли (Na , K) ва ишқор-тупроқли (Ca , Mg) металларнинг оксидлари газли ҳимоя қиласи. Уларнинг оксидлари карбонатлар парчалангандан кейин шлак ҳосил бўлишида иштирок этади.

$\text{SiO}_2\text{-CaO-CaF}_2$ тизимга K_2O , Na_2O , MgO , Al_2O_3 оксид қўшимчаларни қўшиш билан, уларни шлакнинг зичлигига, ва қовушқоқлигига ҳамда шлакнинг кўчишига ва шлак билан қопланиш хусусиятларига таъсирлари тадқиқот қилинган. Тадқиқот тажрибалари шуни кўрсатдики K_2O ва Na_2O миқдори ошса, шлакнинг зичлиги ва қовушқоқлиги ҳамда шлак қобиғининг кўчиши пасайиб кетади. MgO ва Al_2O_3 миқдорини оширса шлакнинг зичлиги ва қовушқоқлиги ошади.

Кўлланилаётган металл карбонатларининг диссоциацияланишида ажралиб чиқаётган CO_2 ни диссоциацияланиш ҳароратини тахлил қилиш асосида, электрод компонентларининг газ ҳосил қилувчилари сифатида MgCO_3 , CaCO_3 , K_2CO_3 , Na_2CO_3 карбонатлар композицияси қўлланилган. Қабул қилинган карбонатлар тўплами CO_2 нинг чиқиши 400°C дан 1200°C гача ҳарорат интервалида содир бўлади.

Карбонат композицияларининг компонентлари таъсири эритиб қопланган металлда азот миқдори бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилган. Эритиб қопланган металлда карбонатлар композицияси компонентларининг таъсири натижасида азот миқдорини аниқлаш математик моделни чиқариш учун электродлар қопламаси таркибида турли хил карбонатлар нисбатининг 12та варианти тадқиқот қилинди. Электрод қопламасининг шихтасига карбонатлар оптималь равишда газ-шлак ҳосил қилувчиларга нисбатан плавик шпати ва SiO_2 компонентлари киритилади. Шихта йиғувчида газ-шлак ҳосил қилувчилар миқдори 24 масса улушини ташкил этган. Шихтанинг газ-шлак ҳосил қилувчилар қисмига карбонатлар композициясининг таркиби 20% ни ташкил этган.

Моделнинг коэффициентлари қийматларини инобатга олган ҳолда ҳамма факторлар учун математик натижалар қуидагида кўринишда бўлди:

$$\begin{aligned} [N] = & 0,0362 \cdot \text{CaCO}_3 + 0,0326 \cdot \text{MgCO}_3 + 0,0378 \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3 + 0,029 \cdot \text{K}_2\text{CO}_3 - \\ & - 0,004785 \cdot \text{CaCO}_3 \cdot \text{MgCO}_3 - 0,004785 \cdot \text{MgCO}_3 \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3 + \\ & + 0,002617 \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{K}_2\text{CO}_3 + 0,022295 \cdot \text{CaCO}_3 \cdot \text{MgCO}_3 \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3 - \\ & - 0,01973 \cdot \text{CaCO}_3 \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{K}_2\text{CO}_3 + 0,01609 \cdot \text{MgCO}_3 \cdot \text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot \text{K}_2\text{CO}_3. \end{aligned}$$

Ўтказилган илмий-экспериментал тадқиқотлар асосида электрод қопламасининг газ ҳосил қилувчи компонентлари таркиби ишлаб чиқилди. Бу эса ишқорли металлар композициясини қўллаш имкониятини беради, улар ўз навбатида кенг ҳарорат интервалида парчаланиш имкониятига эгадирлар, бу билан бирга пайвандлаш ваннасини ва металл томчисининг ишончли ҳимоясини таъминлайди, натижада пайванд чокнинг куйма металлида газлар миқдори 8-10% га камаяди. Шундай қилиб, график боғлиқликлар таҳлили ва адабиёт манбаларига асосан чок металлида азот

микдори кам бўлишини таъминловчи карбонатлар композициясининг энг эффектив нисбати деб қуидаги карбонатлар композициялари нисбати қабул қилинди: $\text{CaCO}_3 = 96\%$, $\text{K}_2\text{CO}_3 = 1\dots 2\%$, $\text{MgCO}_3 = 2\dots 3\%$, $\text{Na}_2\text{CO}_3 = 1\dots 2\%$.

Ўзбекистон Республикаси хомашёларидан тайёрланадиган электрод қопламаси пресснинг ишчи қисмида бажарилган. Белгилаб олиниши бўйича минерал хомашё асосли электродга суркалувчи аралашмани суркашда пресснинг босими $52\text{-}56 \text{ Кр}/\text{см}^2$ ни ташкил этиши керак. Агарда аралашманинг қовушқоқлик қийматларини ошириш керак бўлса аралашманинг суюқ шиша концентрациясини ўзгартириш билан бир қаторда пресслаш босимини кўпайтириш лозим бўлади.

Қопланган электродлар геометрик ҳолат бўйича юзалари текис, силлиқ, нуқсонларсиз бўлади. Қопламанинг мустаҳкамлигини аниқлаш қуидаги бажарилган, маълум баландликдан электродни бетон текисликка ташлаб юборилади, натижада қопламада қўчишлар юз бермади. Шундай қилиб ишлаб чиқилган пайвандлаш электродлари қопламанинг мустаҳкамлиги бўйича, компонентларни бир текис тақсимланиши бўйича, дефектлар йўқлиги бўйича талаб этилган сифатга эга эканлигини билдиради. Буларнинг ҳаммаси электрод қопламаси шихтасига ишлатилган минерал хомашёлар сифатли ва тўғри танланганлигидан далолат беради.

Қуидаги электродларнинг хусусиятлари тадқиқот қилинди:

№1 – УОНИ13/55,

№2 – мас. %: мармар (Оқсоқота қазилма жойи) – 52–60, кварц қуми (Тозбулоқ қазилма жойи) – 8–11, плавик шпати – 17–21, бойитилган каолин (Al_2O_3) – 3,8–5,4, сода – 1,5–1,9, ферромарганец – 1,9–2,1, ферросилиций 3,2–3,8, ферротитан – 11,0–15,0.


№3 – мас. %: мармар (Оқсоқота қазилма жойи) – 52–60, кварц қуми (Тозбулоқ қазилма жойи) – 8–11, плавик шпати – 17–21, поташ (K_2CO_3) – 1,8–2,0, ферромарганец – 1,9–2,1, ферросилиций 3,2–3,8, ферротитан – 11,0–15,0.

№4 – мас. %: мармар (Оқсоқота қазилма жойи) – 52–60, кварц қуми (Тозбулоқ қазилма жойи) – 8–11, плавик шпати – 17–21, поташ (K_2CO_3) – 1,8–2,0, сода – 1,5–1,9, гексафторцирконат (VI) калия – 1,2–1,8, ферромарганец – 1,9–2,1, ферросилиций 3,2–3,8, ферротитан – 11,0–15,0.


№5 – мас. %: мармар (Томчиота қазилма жойи) – 52–60, кварц қуми (Тозбулоқ қазилма жойи) – 8–11, плавик шпати – 17–21, поташ (K_2CO_3) – 1,8–2,0, сода (Na_2CO_3) – 1,5–1,9, ферромарганец – 1,9–2,1, ферросилиций 3,2–3,8, ферротитан – 11,0–15,0.

Пайванд намуналарини тайёрлаш учун пўлат 09Г2С танланди. Пайвандлашдан олдин электродлар $350\text{-}400^\circ\text{C}$ ҳароратда бир соат давомида прокалкаланди.

Махаллий хомашёлардан фойдаланиб асосий турдаги бўлган электрод қопламасини ишлаб чиқиш технологияси шуни кўрсатдики, пайванд чокнинг қўйма структураси мустаҳкамлик характеристикаларини 10-12%га ошириди (6- ва 7-расмлар).



6-расм. №1-5 электродлар билан бажарилган пайванд чокларнинг окувчанлик чегараси ва мустаҳкамлик чегараси қийматларининг гистограммаси



7-расм. №1-5 электродлар билан бажарилган пайванд чокларнинг нисбий чўзилувчанлиги δ қийматининг гистограммаси

ХУЛОСА

«Пайванд чокларнинг характеристикаларини яхшилаш мақсадида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб электрод қопламаларини тайёрлаш технологияси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида куйидаги хуносалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистон Республикаси минерал ресурслар захираси етарли миқдорларда, улар бир компонентли шаклда (мармар, кварц қуми) сифатида пайвандлаш материалларининг асоси учун хизмат қиласди.

2. Ўзбекистон Республикаси хомашё базаси асосида электрод қопламаларининг ишлаб чиқилган класификацион схемаси қопламали электродларни тайёрлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

3. Қопламали электродлар билан ёйли дастакли пайвандлашнинг физик модели ишлаб чиқилган, бу модель жараённинг структурасини, компонентларнинг ўтиши ва ўзаро таъсирини ҳамда металл ва шлак ваннасининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади .

4. Пайвандлаш электродларининг қоплама таркибида оксидизлантируви компонентларни оптималлаштириш учун ёйли дастакли пайвандлашда чок металлининг қўйма структураси шаклланиш жараёнига ишлаб чиқилган математик модели пайванд чокнинг қўйма металлида кислород миқдорини 6-8%га камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

5. Қўлланилаётган металл карбонатларининг диссоциацияланишида ажралиб чиқаётган CO₂ ни диссоциацияланиш ҳароратини таҳлил қилиш асосида, электрод компонентларининг газ ҳосил қилувчилари сифатида MgCO₃, CaCO₃, K₂CO₃, Na₂CO₃ карбонатлар композицияси қўлланилган. Бу натижалар пайванд чокнинг қўйма металлидаги газларнинг миқдорини 8-10% га камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

6. Маҳаллий хомашёлардан фойдаланиб асосий турдаги бўлган электрод қопламасини ишлаб чиқиш технологияси яратилди. Олинган натижалар пайванд чокнинг қўйма структураси мустаҳкамлик характеристикаларини 10-12% га ошириш учун ҳизмат қиласди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.02.2018.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЭРМАТОВ ЗИЯДУЛЛА ДОСМАТОВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ПОКРЫТИЙ ЭЛЕКТРОДОВ ИЗ
МЕСТНОГО СЫРЬЯ С ЦЕЛЬЮ УЛУЧШЕНИЯ ХАРАКТЕРИСТИК
СВАРНЫХ ШВОВ**

05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство. Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия чёрных, цветных и редких металлов (по направлению литейное производство и обработка металлов)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2018.2.PhD/T619.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Дуняшин Николай Сергеевич
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Михридинов Рисқидин Михридинович
доктор технических наук, доктор
Худояров Сулейман Рашидович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Андижанский машиностроительный институт

Защита диссертации состоится «21» мая 2019 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.T.03.04. при Ташкентском государственном техническом университете и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./ факс:(99871)227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 80). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.:(99871)227-10-32.)

Автореферат диссертации разослан «08» мая 2019 года.
(реестр протокола рассылки № 91 от «08» мая 2019 года).

К.А.Каримов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Д.Тураходжаев

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Р.М.Михриддинов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на современном этапе особое значение имеет уровень развития промышленности передовых стран, характеризующийся объемом производства, ассортиментом выпускаемой продукции и конкурентоспособностью на мировом рынке. В связи с этим повышение надежности и долговечности конструкций, безопасности машин, механизмов и оборудования является одной из актуальных задач. В этом плане в развитых странах, в том числе в США, Германии, Испании, Китае и России уделяется особое внимание развитию технологии сварочного производства, имеющего главную роль в мировой индустрии.

В мире проводятся научно-исследовательские работы по повышению качественных характеристик электродов на основе модернизации состава шихты покрытий для снижения их себестоимости. В этом направлении в том числе особое внимание заслуживает оптимизация состава шихты покрытия сварочных электродов по качеству и количеству ферросплавов и других компонентов. В том числе считается важным усовершенствование качественных характеристик сварного соединения за счет состава шихты, определяющего химический состав наплавленного металла.

В нашей республике проводятся меры в сфере оптимизации состава покрытий сварочных электродов по разработке методов прогнозирования физико-химических процессов происходящих при ручной дуговой сварке на основе полного материального баланса. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, включая «...сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий»¹. Выполнение данных задач, в частности разработка сварочных материалов, обеспечивающих эксплуатационные характеристики сварных соединений за счет прогнозирования химического состава сварного шва является одной из важных задач.

